

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти
ягона таъсисчисининг 2АҚ-01/2021 -сонли
Қ А Р О Р И

2021 йил « 9» февраль

Тошкент ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.

2. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашининг аъзоларини тасдиқлаш.

3. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 5 октябрдаги 213-П-сон буйруғига асосан “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ устав капитали миқдори оширилганлигини, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига ўзгартиришлар киритилаётганлигини инobatга олиб, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш лозим.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖга ўтказиб берилган хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат улушларини сотишга тайёрлаш жараёнида нуфузли молиявий ва юридик маслаҳатчиларни жалб этиш ҳамда сотиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш мақсадида “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш талаб этилади.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 356-сон қарорига мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари билан келишган ҳолда хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари аъзолигига номзодлар кўрсатиш тартиби белгиланган.

Шунга кўра, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 8 январдаги 01/07-01-10-29-сон хати орқали “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

- | | | |
|--|---|---|
| 1. Ортиқов
Акмалхон Жўрахонович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги директори |
| 2. Насритдинхўжаев
Омонулло Забихуллоевич | - | Молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| 3. Мелиев
Худоёр Хуррамович | - | Адлия вазирининг ўринбосари |

- | | | |
|---------------------------------|---|--|
| 4. Исаков
Одилбек Рустамович | - | Молия вазирининг ўринбосари |
| 5. Виеслав
Качмарек | - | 1993-1996 йилларда
Польша
Республикаси
хусусийлаштириш
вазирлиги, халқаро консултант |

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 январдаги 02/59-3-сон топшириғига мувофиқ, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ кузатув кенгаши таркибига кўрсатилган номзодлар маъқулланган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–4720-сон Фармони талабларидан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги “Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 381-сон қарорига мувофиқ “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖга юкланган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг ташкилий тузилмаси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунга кўра, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан **қарор қилинди:**

1-масала юзасидан:

1. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг янги таҳрирдаги устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ бошқарувига жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш вазифаси топширилсин.

2-масала юзасидан:

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ кузатув кенгаши таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- | | | |
|--|---|---|
| 1. Ортиқов
Акмалхон Жўрахонович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги директори |
| 2. Насритдинхўжаев
Омонулло Забихуллоевич | - | Молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| 3. Мелиев
Худоёр Хуррамович | - | Адлия вазирининг ўринбосари |

4. Исаков
Одилбек Рустамович - Молия вазирининг ўринбосари
5. Виеслав
Качмарек - 1993-1996 йилларда Польша
Республикаси хусусийлаштириш
вазир, халқаро консултант

3-масала юзасидан:

1. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖнинг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ бошқарувида жамиятнинг ташкилий тузилмасидан келиб чиққан ҳолда, ваколат доирасида жамиятнинг ходимлари таркибини малакали мутахассислар билан тўлдириш вазифаси топширилсин.

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

**А.Ж. Ортиқов**